

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент архитектура-қурилиш
институтининг ректори

Эржан Каҳя _____

“ ____ ” _____ 2021 й.

**18.00.02 – “Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ турар
жойларининг режалаштириш. Ландшафт архитектураси. Бино ва
иншоотлар архитектураси”**

ихтисослигининг бўйича (PhD) таянч докторантурага

кириш имтиҳонлари

ДАСТУРИ

Тошкент - 2021

Дастур Тошкент архитектура-қурилиш институти Кенгашида кўриб чиқилган ва 2021 йил 28 октябрдаги 1–сонли мажлис баёни билан маъқулланган.

Дастурни тузувчилар:

арх.ф.б.ф.док. PhD доц. Хасанов А.О

арх.ф.н Юнусов Ш.Х.

арх.ф.б.ф.док. PhD Назарова Д.А.

т.ф.д. доц., Хотамоов А.Т.

“Архитектуравий лойиҳалаш”
кафедраси мудири

Хасанов А.О.

“Шаҳарсозлик ва ландшафт
архитектураси” кафедраси мудири

Назарова Д.А.

“Шаҳар қурилиши ва хўжалиги”
кафедраси мудири

Хатамоов А.Т.

Кириш

Буюк келажак сар интилган халқимизнинг ҳар бири куни ижод, изланиш, яратувчанлик ва бунёдкорлик билан тўлиб бормоқда. Ҳар жабҳада бўлгани сари архитектура соҳасида ҳам қисқа муддатларда ўз салмоғи, салоҳияти, кўркемлиги билан ажралиб турувчи бунёдкорлик намуналари акс этиб келмоқда. Бино ва иншоотларнинг архитектураси инсон ҳаётининг серқирра томони, жамиятнинг ижтимоий ривожланиш жараёнини бадиий қиёфада ёритиб беришга хизмат қилади. Шу билан бирга жамоат бинолари жамиятнинг маънавий маърифий дунёқарашга ҳам бир қатор боғлиқ бўлиб, инсон тафаккурининг энг олий даражасидаги хайратлантирувчи бинолар бўлиб хизмат қилган. Аҳолининг, айниқса қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли шароитларининг яхшиланиши Республикамиз шаҳарсозлигида жиддий ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар содир этилишини назарда тутди. Яқин кунларгача урбанистика бўйича аксарият тадқиқотлар, гарчи урбанизация жараёни давомида шаҳарларнинг алоқалари кенгайиб, чегаралари ёйилиб кетсада, асосан шаҳарларга бағишланар эди. Ривожланаётган шаҳарлар ўз таъсир ҳудудларини фаол кенгайтирган ҳолда қишлоқ жойлардаги турмушга сезиларли даражада таъсир ўтказди. Шу сабабли, уларнинг истиқболли ривожланиши масалалари ён-атрофдаги қишлоқ аҳоли пунктларини ҳисобга олиб туриб ҳал қилиниши лозим.

Шаҳарсозлик ғоялари ва шаҳар ландшафти ечимини ишлаб чиқишда, бино ва иншоотларни лойиҳалашда ҳамда қурилишни амалга оширишда ижтимоий, иқтисодий, энергосамарадорлик масалаларни ечимини топиш ва бу борада илмий тадқиқотларни олиб бориш ҳамда инсон омили, ҳаёти фаолияти учун сунъий муҳитни яратиш ўз талабларини қўймоқда. Бу борада кўплаб илмий изланишлар қилинган ва олиб борилмоқда. Ана шу масаларга оид жараёнларни дунё амалиётида кўриш, кузатиш, илмий таҳлил қилиш, тадқиқот олиб бориш ва улардан тўғри фойдаланиш муҳим аҳамит касб этади. Ушбу дастур **18.00.02 – "Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ турар жойларини режалаштириш. Ландшафт архитектураси. Бино ва иншоотлар архитектураси"** ихтисослиги паспорти асосида ишлаб чиқилди. Дастурни тузишда районлаштириш, шаҳарсозлик, қишлоқ турар жойларини режалаштириш, ландшафт архитектураси, бино ва иншоотлар архитектурасининг барча мутахассислик фанларига доир мавзулар киритилган. Дастурга шаҳар ва қишлоқларни архитектуравий-режавий ташкил этиш, шаҳарсозликнинг келажак ғояларини ишлаб чиқиш, шаҳарлар ландшафтини ташкил этишда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш масалалари, бино ва иншоотлар лойиҳалашда шаҳарсозлик масалаларини ҳал қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, муаммолар ечимига қаратилган саволлар киритилган.

18.00.02 – “Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ турар жойларини режалаштириш. Ландшафт архитектураси. Бино ва иншоотлар архитектураси” ихтисослиги

1. Шаҳар ва қишлоқларни архитектуравий ташкил этиш.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг тархий таркиби тажрибаси. Совет шаҳарсозлиги тажрибасида қишлоқлар тарҳи (режаси) тушунчаси ва уларнинг қишлоқ бош режаларига тадбиқ этилиши. Транспорт тизимлари ва кўчаларнинг қишлоқ бош режаларига қўлланиши. Ҳар бир қишлоқ аҳоли пунктларининг ривожланиш истиқболининг ҳал қилувчи комплекс шаҳарсозлик хужжатлари бўйича маълумотлар. Асосий норма ва меъёрлар.

Янги шаҳарсозликнинг назариясида ва амалиётида тарихий шаҳарларни сақлаш ва таъмирлаш. Ўзбекистон ва чет эл мамлакатлари тажрибаси. Шаҳарсозликдаги асосий тушунча ва қоидалар. Шаҳарсозликда урбанизация жараёнлари. Шаҳарсозликнинг асосий ҳудудий функционал зоналари ҳамда унга ечимлар. Шаҳар муҳитининг объектив ривожланиш нормалари. Шаҳарсозлик муаммоларига комплекс ёндашув. Шаҳарни функционал режавий ташкил этиш. Урбанизациянинг ўзига хос жиҳатлари. Шаҳарсозлик стратегияси. Транспорт тармоғлириги тўғри ташкил этиш. Ҳудудларни муҳандислик ободонлаштириш ҳамда кўча интерьери.

2. Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси

Шаҳарсозликнинг замонавий тенденциялари ва муаммолари. Замонавий шаҳарсозликнинг туғилиши. Шаҳарсозлик назарияларининг ривожланиши. Аҳоли жойлашуви. Шаҳарсозлик назариясининг бошқа билим соҳалари билан боғлиқлиги. Композицион-шаҳарсозлик таҳлил. Шаҳар композициясининг назарий ва ижодий муаммолари. Шаҳарлар ва урбанизациялашган ҳудудларни барқарор ривожланиши. Барқарор ривожланиш композициясининг деректив, норматив-ҳуқуқий ва ижодий -лойиҳавий асослари. Барқарор ривожланиш мезонлари. Шаҳарсозлик тадқиқотларининг актуал йўналишлари ва барқарор

ривожланиш муаммолари. Идеал шаҳарсозлик моделлари назарияси ва уларнинг амалга ошириш усуллари. Шаҳарсозлик фаолиятининг ижтимоий – иқтисодийга ўзаро боғлиқлиги. Экологик ва иқтисодий ечимларининг бири-бирига боғлиқлиги. Барқарор ривожланиш композициясининг амалга ошиш механизмлари: шаҳарсозлик сиёсати, дастурий таъминот, норматив-ҳуқуқий тартибга солиш, шаҳарсозлик лойиҳалаш.

Ландшафт архитектурасининг мақсади, вазифалари ва даражалари. Ландшафт архитектураси объектлари ва шаҳар очик ҳудудларининг асосий даражалари ва йўналишлари. Ландшафтшунослик: ландшафтлар типологияси ва классификацияси. Ландшафт архитектураси генезиси: Ландшафт архитектураси ривожланишининг асосий босқичлари ва омиллари. Ландшафт режалаштиришнинг регионал асослари. Ландшафт архитектурасининг шаҳарсозлик асослари. Ландшафт урбанизми – ландшафт архитектураси ривожланишидаги янги йўналиш. Умумшаҳар ва туман марказини ландшафт лойиҳавий ташкил этиш. Шаҳар боғлари ва парклари. Турар жой туманлари, саноат ва рекреацион ҳудудларини ландшафт-лойиҳавий ташкил этиш ва реконструкция қилиш. Боғ-парк композициясининг назарий асослари. Фазо, текислик, ҳажм, ҳажмий-фазовий композиция. Ландшафт архитектураси объектларини лойиҳалаш.

Бино ва иншоотлар архитектураси

Бино ва иншоотларнинг технологик, коммуникацион боғлиқликлари тўғрисидаги тушунча; мавжуд бино ва иншоотларининг функционал ташкил қилиш бўйича таҳлил; архитектуравий-типологик вазифаларни ечиш; хизмат кўрсатиш босқичлари, бино ва иншоотлар классификацияси, фуқаролик биноларнинг шаҳарда жойлашуви; Турар-жой, жамоат, саноат, маъмурий биноларнинг типологик асослари, функционал – лойиҳавий, техник, иқтисодий ечимлари; турар жой ва жамоат биноларининг сонияли сифатлари, қурилиши параметрлари; ички муҳитни функционал шакллантириш тамойиллари;

жамоат ва маъмурий биноларнинг шаҳардаги доминантлик роли; турар-жойлар, хонадон таркиби, кам қаватли, ўрта қаватли, кўп қаватли, ячейкали, қисқа муддатли турар-жой бинолари; ўқув-тарбия, томоша, илмий муассаса, спорт, соғломлаштириш, маъмурий, дам олиш бинолари.

Жамоат, турар жой, саноат, кўпфункционали бино ва иншоотларни архитектуравий-фазовий шакли ва уларнинг функционал, технологик ечимини лойиҳалаштириш. Архитектуравий лойиҳалашда шаҳарсозликдаги вазифасини, бино типлари нормаларини, экологик талабларини ва хоналар туркимларини аниқлаш белгиланади. Лойиҳаларни тузишда график кўникма, функционал, архитектура - бадиий, конструктив ва иқтисодий томондан лойиҳалаш услубларини ўзлаштириш, клаузура ишларини бажариш, қисқа вақтда бажариладиган лойиҳаларда бадиий композицион, функционал талабларни ҳис этиш, лойиҳа босқичларида ижодий ёндошиш, эскиз ғоя устида ишлаш, архитектуравий муҳитни ташкил этиш, лойиҳалашга шахсий ижодий ёндошиш. Архитектуравий бионика.

3. (05.09.00 техника фанлари бўйича)

3.1 Архитектура ва шаҳарсозлик асослари.

Меъморчиликнинг қисқа тарихини, шаҳарсозликни, биноларни лойиҳалаш асосларини, уларнинг конструктив схемаларини, элементларини ва асосий хажмий-режавий ечимларини ўрганишни ўз ичига олади.

Шаҳарсозлик – бу назария ва амалиёт шаҳарларни ва аҳоли жойларини режалаш ва қуриш бўйича ижтимоий-иқтисодий, санитар-гигиеник, техник-қурилиш, транспорт ва меъморий бадиий масалалар, лойиҳалаш ва қурилиш билан комплекс ҳал қилинадиган масалалардир.

Ижтимоий-иқтисодий масалалар аҳолини жойлаштириш тизимини танлаб олинаётганда ҳал қилинади.

Санитар-гигиеник масалалар аҳоли ҳаёти учун соғлом шароит яратишни назарда тутаяди, саноат ва истиқомат ҳудудлари орасида санитар-ҳимоя

худудларини белгилашни баъзи касалликларга қарши ишлов бериш худудларини, кўкаламзорлаштириш бўйича тадбирлар ўтказиш, шовқинга қарши курашиш ва тупроқ, ҳаво ва сув ҳавзалари ифлосланишига қарши курашиш. Иссиқ иқлим туманларида санитар-гигиеник масалаларнинг муваффақиятли ечимига ташқи муҳитда юқори даражада микроиқлим яратиш инсолясия ва шунингдек ёқимли шамол йўналишидан фойдаланиб эришиш мумкин.

Техник – қурилиш масалалари аҳоли жойлари қуришга танланган худуд инженер-геологик шароитларини ўрганиш билан замонавий қурилиш воситалари техникасини аниқлаш, рационал транспорт ва пиёдалар алоқаси тизимини ҳал этиш, худудда инженерлик тайёргарликларини ўрнатиш ва инженерлик ободонлаштириш (совуқ сув, оқава сув (канализация) иссиқ сув, газ ва электр таъминоти, телефон алоқаси)дан иборат.

3.2 Шаҳар худудини инженерлик тайёрлаш, режалаштириш қуриш ва реконструкция қилиш

Шаҳар тузилишининг анъанавий эстетик воситалари – бу жойнинг табиий омилларини аниқлаш ва фойдаланиш (дарё, релеф ёки ер юзининг тузилиши, кўкаламзор ва бошқалар) ҳамда шаҳар аҳамиятига оид табиий ҳолатнинг энг масъул нуқталарини қайд қилиб умумий режалаштириш концепсиясининг архитектура ансамбли тизими орқали очилишидир. архитектуранинг табиий ва сунъий белгилари принсипини қайд қилишининг тарихда шаклланиши ва ўзини намоён қилиниши тўлиқ маънода ўрта асрлар ва классикага оид антик давридаги шаҳарларда ўз аксини топган.

Шаҳарларни реконструкциялаш - бу катта ўзгариш ва ривожланиш, янгиланиш, шаҳар муҳитини ўзгартиришга ва мукаммаллаштиришга, яъни ворислик муаммоси билан узвий боғланган жараёндыр. Шаҳар ўрганиш, лойиҳалаш ва бошқариш объекти. Шаҳар худудини вазифасига кўра минтақалаш. Шаҳар худудининг баланси шаҳарнинг режавий структураси

урбанизатсия шароитида шаҳар муҳитини ободонлаштириш муаммосининг ҳолати. Шаҳар саноат раёнларини режалаштириш ва ободонлаштириш. Шаҳарларнинг муҳандислик таъминоти тизими.

Ўзбекистон ва чет мамлакатлар шаҳарсозлиги амалиёти асосида аҳоли яшаш жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш элементларини ташқил қилиш усулларини ва тамойилларини умумлаштириш ва таҳлил йўли билан кўриб чиқилади.

Шаҳарнинг муҳандислик тармоқлари ва иншоотлари ўзининг мураккаб силсила эканлиги ҳамда хизмат кўрсатиш жараёнида бир талай қўшимча ускуналардан ҳам фойдаланиш мазкур соҳанинг мураккаблигидан далолат беради.

3.3 Шаҳар транспорти иншоотларининг инженерлик ечимлари.

Йўл транспорт иншоотларининг асосий турлари ва уларнинг шаҳар қурилишида қўлланиш соҳаси. Транспорт иншоотлари. Шаҳарлардаги ва автомобиль йўлларидаги транспорт иншоотларининг турлари. Кўприклар, эстакадалар, йўл ўтказгичлар. Осма йўллар ва мураккаб транспорт иншоотлари бўйича асосий талаблар. Кўприк иншоотлари ҳақида асосий маълумотлар. Ёғоч, тош ва бетон, темир-бетон ва металл кўприк қурилмаларининг асосий тизимлари. Шаҳар кўприкларидан ер ости муҳандислик тармоқларини ўтказиш ва улардан унумли фойдаланиш. Пиёда ўтиш кўприклари ва йўлларининг асосий турлари ва тизимлари. Ёғоч, металл ва темир-бетон пиёда ўтиш кўприкларининг қурилмалари ва ҳисоблаш хусусиятлари. Автомобиллар тураргоҳлари. Автомобиллар тураргоҳлари турлари. Ер ости ва ярим ерости автомобиллар тураргоҳлари. Кўп қаватли ер ости автомобиллар тураргоҳлари лойиҳалаш хусусиятлари. Горизонтал ва вертикал ер босимини ҳисобга олиш.

3.4 Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини йўлларини режалаштириш

Режа ва қирқим бўйича шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари кўча, йўлларини режалаштириш ва ободонлаштиришни лойиҳалаштириш. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари кўча, йўлларини режалаштириш ва ободонлаштириш вазибаларининг таснифи. Шаҳар кўчалари ва йўлларига қўйиладиган асосий талаблар. Шаҳар кўчалари ва йўлларининг лойиҳалаштириш усуллари. Шаҳар кўчалари ва йўлларининг таснифи. Ҳар хил синфдаги кўчаларнинг жойлаштириш ҳолатлари ва уларни бир-бири билан боғлиқлиги. Шаҳар кўчаларининг кўндаланг қирқимини лойиҳалаштириш. Шаҳар кўчалари ва йўлларнинг режасини лойиҳалаштиришнинг хусусиятлари. Чорраҳалар ва кесишмаларнинг ўтказиб юбориш қобилияти. Машиналар, йўловчилар юрадиган жойларнинг энини аниқлаш, горизонтал бўйича эгри чизиқлар, виражлар ва серпантинлар. Кўндаланг қирқимнинг кўриниши. Автомобиль йўл ёқаларида қисқа муддатли дам олиш ва сервис объектларини режалаштириш.

3.5 Бино ва иншоотларни техник эксплуатацияси

Биноларнинг эксплуатациясини ташкил қилиш. Техник эксплуатациянинг таркиби ва масалалари. Бино ва иншоотларга салбий таъсир кўрсатадиган омиллар. Бино ва иншоотларнинг ишончлилиги. Кафолат муддати ва меъёрий хизмат муддатларининг белгиланиши. Бино ва иншоотларнинг жисмоний эскириши. Жисмоний эскиришнинг турлари. Қайта тикланадиган ва қайта тикланмайдиган жисмоний эскириш. Жисмоний эскиришни аниқлаш усуллари. Бино ва иншоотларда маънавий эскириши. Маънавий эскириш шакллари, уларни аниқлаш усуллари. Қурилиш конструкцияларининг намланиши турлари ва уларнинг оқибатлари. Қурилиш намлиги тушунчаси. Биноларнинг барвақт эскириши, уларни олдини олиш чора-тадбирлари. конструкцияларни ҳимоя қатламлари.

**Жавобларни баҳолаш қуйидаги мезон талаблари асосида амалга
оширилади:**

Ёзма иш жавобларига қуйиладиган талаблар	Баҳолаш баллари
Ҳар бир саволларга жавобларни баҳолаш мезонлари –15-25 балл	
а) берилган саволни тўлиқ билса, унинг моҳиятини тушунса, у бўйича ижодий фикрлай олса, тасаввурга эга бўлса, мустақил мушоҳада юрита олса, назарий масаларни амалиёт билан боғлай олса, саволнинг назарий ва амалий жихатларини тўлиқ очиб бера олса, хулоса ва қарор қабул қилса, ўз фикрини тўлиқ, равон баён қила олса.	86-100
б) берилган саволларни етарли даражада билса, унинг моҳиятини тушунса, савол юзасидан тасаввурга эга бўлса, мустақил мушоҳада юрита олса, назарий масалаларни амалиёт билан боғлай олса, саволнинг назарий ва амалий жихатларини етарлича очиб бера олса, ўз фикрини етарлича, равон баён қила олса.	71-85
в) берилган саволни қисман билса, у тўғрисида тасаввурга эга бўлса, унинг моҳиятини тушунса, савол бўйича ўз фикрини баён қила олса.	55-70
г) берилган саволни яхши билмаса, у тўғрисида тўлиқ тасавварга эга бўлмаса, ўз фикрини тўлиқ баён қила олмаса.	0-54

**18.00.02–“Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ турар жойларини
режалаштириш. Ландшафт архитектураси.**

Бино ва иншоотлар архитектураси”

иҳтисослиги бўйича саволлар

Ландшафт архитектураси

1. Ландшафт режалаштиришни дастлабки шартлари ривожлантириш.
2. Ландшафт режалаштиришни мақсад ва вазифалари.
3. Ўзбекистонда ландшафт режалаштиришнинг асосий муаммолари.
4. Ўзбекистонда ландшафт режалаштиришнинг ривожлантириш концепцияси
5. Туристик ва рекреацион ривожланиш ҳудудларини ландшафт режалаштириш.
6. Дам олиш ва туризм марказларини ташкил этишда нималарга эътибор қаратиш керак?
7. Тарихий ҳудудлар ландшафтини яратишнинг асосий мезонлари.
8. Транспорт магистраллари, темир йул ва техник иншоотлари ҳудудларини ландшафт режалаштириш.
9. Саноат ҳудудлари ва корхоналарининг ландшафт режалаштиришни ташкил этиш қандай омиллар таъсир этади?
10. Жамиятни замонавий ривожланиш шароитида ландшафт режалаштиришни роли.

Районлаштириш

1. Туманни режалаштиришнинг мақсад ва вазифалари?
2. Туманни режалаштириш ва аҳоли жойлашуви?
3. Туманни режалаштириш схемаси?
4. Туманни режалаштириш лойихаси?
5. Туманни режалаштириш ва саноат?
6. Қишлоқ ҳудудларини меъморий-режавий ташкил этиш?
7. Туманни режалаштиришда табиий-иқлимий омилларни ҳисобга олиш?
8. Туманни режалаштиришда ижтимоий-иқтисодий омилларни ҳисобга олиш?
9. Туманни режалаштириш миқёсида тарихий ҳудудларни ривожлантириш масалалари?
10. Туманни режалаштиришнинг схемаси ва лойихасини яратишни ташкил этиш?

Шаҳарсозлик

1. Ўзбекистонда "Ақлли шаҳар" технологияларини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар.
2. Катта шаҳар ва агломерацияларининг муҳим камчиликлари нималардан иборат?
3. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари ва унинг муаммолари
4. Ўзбекистонда шаҳарсозлигида экологик муаммолар ва унинг ечими
5. Ишлаб чиқариш ҳудудларида экологик реабилитация жараёнлари.
6. Туман режалаштиришнинг схемаси қайси муддатга мўлжалланган бўлиб амалга оширилади?
7. Ишлаб чиқариш ҳудудлари муаммолари, ҳудудни реновация қилиш ва экологик ечим бериш
8. Ўзбекистонда ҳозирги замон аҳоли жойлашуви хусусиятлари
9. Шаҳарсозликнинг иерархик тизими.
10. Аҳоли яшаш жойлари ва турлари?

Қишлоқ аҳоли пунктларини режалаштириш.

1. "Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш" (ҚҲАЛТЭ) лойиҳаларинг асосий вазифаси.
2. "Обод маҳалла" дастурининг турар жойларни ривожлантиришдаги ўрни.
3. Маҳалла Фуқаролари Йиғини (МФЙ) қандай маъмурий орган?
4. Қишлоқ аҳоли пунктлари марказларини тузилмалари ва асосий объектлари.
5. Қишлоқ аҳоли пунктларининг реконструкция лойиҳасини ишлаш учун қандай бошланғич маълумотлар керак бўлади?
6. Қишлоқ аҳоли яшаш пунктлари аҳолининг сонига қараб қандай гуруҳларга бўлинади?
7. Қайси аҳоли пунктлари қишлоқлараро марказий хизмат кўрсатиш вазифасини бажаради?
8. Қишлоқ ҳудудини муҳандислик тайёргарлиги нима?
9. Санитария ҳимоя зонасининг кенглиги, ундан қандай мақсадларда фойдаланилади?
10. Қишлоқ янги корхоналарини режалаштириш, мавжудларини модернизация қилиш ва янги иш ўринларини яратиш шаҳарсозлик лойиҳаларида қандай ақс эттирилади?

Архитектуравий лойиҳалаш

1. Ўзбекистон шароитида турар уй-жойларни лойиҳалаш учун қўйиладиган асосий талаблар.
2. Умумий таълим мактаблари биноларининг лойиҳалаш асослари ҳамда тархий ечимларига қўйиладиган асосий вазифалар.
3. Мехмонхоналарнинг функционал тузилиши нималардан иборат.
4. Даволаш-профилактика муассасаларига ШНҚ 2.08.02-09 га биноан қандай талаблар қўйилади.
5. Банк муассасаларини лойиҳалашнинг технологик хусусиятлари?
6. Жамоат овқатланиш корхоналарига ШНҚ 2.08.02-09 га биноан қандай талаблар қўйилади.
7. Цирк биноларининг асосий хоналари ва технологияси тизими.
8. Савдо кўнғил очар марказ биносининг архитектуравий тархий ечимлари қўйиладиган талаблар.
9. Мактабгача таълим муассасаларининг бош режада жойлашуви ва гуруҳлар тўплами.
10. Автотураргоҳларнинг шаҳарсозликдаги ўрни ва архитектуравий тархий ечимларга қўйиладиган асосий омиллар.

Бино ва иншоотлар типологияси

1. Стадионларнинг архитектуравий ечимлари, Ўлчамларига кўра стадионлар тоифа(категория)ларга бўлиниши?
2. Секцияли турар жойларни лойиҳалашнинг ўзига хос хусусиятлари
3. Спорт иншоотларининг турлари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар.
4. Жамоат биноларининг марказий блокли ва павилион типдаги композицияларнинг афзаллик ва камчиликлари
5. Олий таълим муассасалари участкаларига қўйиладиган талаблар
6. Маданий маърифий биноларнинг технологик боғлиқлик схемаси ҳамда архитектуравий тархий ечимлари қўйиладиган асосий талаблар.
7. Музей биноларининг технологик боғлиқлик схемаси нималардан иборат?
8. Томоша биноларининг классификацияси ва уларга қўйиладиган асосий талаблар?
9. Савдо марказларининг классификацияси?
10. Шифохоналар режавий-технологик талабларга биноан қандай гуруҳларга бўлинади?

**18.00.02 – “Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ турар жойларини
режалаштириш. Ландшафт архитектураси. Бино ва иншоотлар
архитектураси”
(05.09.00 техника фанлари бўйича)
ихтисослиги бўйича саволлар**

1. Архитектура ва шаҳарсозлик асослари.

1. Жамиятнинг замонавий ривожланиш босқичида архитектура ва шаҳарсозлик масалалари.
2. Илк шаҳарларни режалаштириш таркиби. Қадимги Миср архитектура ва шаҳарсозлиги. Ордер тизими.
3. Византия архитектура ва шаҳарсозлиги. Архитектурада Роман услуби.
4. Архитектура услублари. Барокко. Классика режалаштириш таркиби.
5. Замонавий бино ва иншоотлар тўғрисида умумий маълумоталар. Биноларга қўйиладиган асосий талаблар.
6. Асослар ва пойдеворлар. Табиий ва сунъий асослар ҳақида тушунча. Пойдеворларнинг турлари, уларнинг тавсифи.
7. Девор ва пардеворларга бўлган талаблар. Деворларнинг архитектура конструктив элементлари.
8. Пол ва ораёпмалар. Белгиланиши бўйича ораёпмалар тавсифи. Ораёпмаларга бўлган таъсирлар. Уларга бўлган талаблар.
9. Эшик ва деразалар ва уларнинг конструктив элементлари.
10. Жамоат биноларининг режавий таркиби ва турлари. Жамоат биноларининг лойиҳаларини техник-иқтисодий баҳолаш.

**2. Шаҳар ҳудудини инженерлик тайёрлаш, режалаштириш
қуриш ва реконструкция қилиш**

1. Шаҳарсозликда жарликларни баҳолаш ва муҳандислик тайёргарлик ишлари.
2. Шаҳар сув қочириш тармоғи. Уларни ҳисоблашда талаб қилинадиган асосий мезонлар.

3. Шаҳарсозликда ер ости сувларининг аҳамияти. Сизот сувлари ва қурилишда уларни бартараф этиш бўйича инженерлик тадбирлар.
4. Шаҳарларни ободонлаштиришнинг комплекс ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.
5. Шаҳар ҳудудини шаҳарсозлик нуқтаи назаридан баҳолаш.
6. Шаҳарни ободонлаштириш ва бош режаси.
7. Шаҳарларнинг режавий структураси.
8. Шаҳар селитба ҳудудини режавий ташкиллаштириш.
9. Саноат районларининг режавий структураси.
10. Муҳандислик коммуникациялари тизими.

3. Шаҳар транспорти иншоотларининг инженерлик ечимлари

1. Шаҳарларда транспорт тизимини функционал режалаштириш.
2. Йўл транспорт иншоотларининг асосий турлари ва уларнинг шаҳар қурилишида қўлланиш соҳаси.
3. Транспорт иншоотлари турлари ва уларга қўйиладиган муҳандислик талаблар.
4. Кўприк иншоотлари ҳақида умумий тушунча.
5. Пиёда ўтиш кўприклари ва йўлларининг асосий турлари ва тизимлари.
6. Шаҳарсозликда ер ости иншоотларидан фойдаланиш.
7. Сув ости туннелларининг қурилмалари ва қуриш усуллари.
8. Шаҳар ҳудудида автотураргоҳларни режалаштириш.
9. Бир қаватли ва кўп қаватли ер ости ва ярим ерости автотураргоҳларининг лойиҳавий ечимлари.
10. Кўп сатҳли йўл ўтказгичларга қўйиладиган асосий талаблар.

4. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари йўлларини режалаштириш.

1. Шаҳар кўча-йўлларини режалаштиришнинг асосий вазифалари.
2. Шаҳар кўча-йўлларига қўйиладиган асосий талаблар.
3. Алоқа йўллари ва уларнинг турлари.

4. Шаҳар кўча-йўлларининг принциал схемалари.
5. Шаҳар йўлларини умумфойдаланувдаги йўллар билан боғлашнинг принциал схемалари.
6. Шаҳар кўча-йўлларида сувларни четлатиш масаласи.
7. Шаҳар кўча-йўлларини лойиҳалашда план трасса ўтказиш.
8. Шаҳар кўча-йўлларининг бўйлама кесимини лойиҳалаш.
9. Шаҳар кўча-йўлларининг кўндаланг кесимини лойиҳалаш.
10. Автомобиль йўлларини жиҳозлаш.

5. Бино ва иншоотларни техник эксплуатацияси

1. Турар-жой ва жамоат биноларининг капиталлик синфлари.
2. Биноларнинг норматив ва ҳақиқий хизмат муддатлари.
3. Бино ва иншоотларнинг жисмоний эскириши.
4. Жисмоний эскиришнинг турлари ва уларни баҳолаш усуллари.
5. Қайта тикланадиган ва қайта тикланмайдиган жисмоний эскириш.
6. Бино ва иншоотларда маънавий эскириши.
7. Қурилиш материаллари ва конструкцияларга қуйиладиган талаблар.
8. Бино ва иншоотларни эксплуатацияга топшириш.
9. Эксплуатацияга топширишда сифат назоратини ташкил этиш масалалари.
10. Бино ва иншоотларга салбий таъсир кўрсатадиган омиллар

Адабиётлар

1. Исамухамдова Д.У., Адылова Л.А. «Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси». Дарслик. 1-қисм., Тошкент, 2009
2. Исамухамдова Д.У., Адылова Л.А. «Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси». Дарслик. 2-қисм., Тошкент, 2009
3. Исамухамедова Д.У. Исмаилов А.Т., Хотомов А.Т. “Инженерлик ободонлаштириш ва транспорт”. Дарслик., 1 қисм., Тошкент, 2009
4. Концепция развития градостроительства Узбекистана в условиях формирования новых социально-экономических отношений. Т, ТАСИ 2008
5. . ШНҚ 2.07.01-13* Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари худудларини ривожлантириш ва қурилишни режалаштириш. Т. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. 2009
6. Адилова Л.А. Ландшафт архитектураси: I қисм, ўқув қўлланма, – Тошкент: ИПТД “Ўзбекистан”, 2009 й.
7. Адилова Л.А. Ландшафт архитектураси:II қисм, дарслик– Тошкент: ТАСИ 2009 й.
8. “Градостроительный кодекс Республики Узбекистан”. Т. 2002 г.
9. Исамухамдова Д.У., Садыкова М.А., Муминова К.Р. «Шаҳарсозлик лойиҳалаш”. Ўқув қўлланма, ТАСИ. Тошкент 2015 й.
- 10.Исамухамдова Д.У., Мирзаев М.К. «Замонавий шаҳарсозлик назарияси”. Ўқув қўлланма, Тошкент, 2015 й.
- 11.С.Селимова. “Формирование понятия Ландшафтный урбанизм в градостроительстве”.Национальная академия природоохранного и курортного строительства. Донбасс. 2014 г.
- 12.Убайдуллаев Х.М, Иноғомова М.М. «Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалашнинг типологик асослари» дарслик., Тошкент 2009 й.
13. Хидоятлов Т.А. «Типология общественных зданий» ўқув қўлланма., Ташкент 2008г.
- 14.Х.М.Убайдуллаев, Г.И.Коробовцев, Й.И.Абдурахманов, Я.М.Мансуров “Архитектуравий лойиҳалаш» ўқув қўлланма., Тошкент 2012.
- 15.Б.И.Иноғомов “Замонавий бино ва иншоотларни лойиҳалаш” Тошкент ўқув қўлланма.,2011й
- 16.ШНҚ 2.08.02-09* “Жамоат бино ва иншоотлари”. Т. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги. 2009
- 17.А.Л.Гельфонд “Проектирование общественных зданий” Москва 2006

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4201-сон “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида”ги Қарори.
20. Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик кодекси. Тошкент, 2021
21. Ўзбекистон Республикасининг Уй жой кодекси. Тошкент, 2009.
22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 августдаги 679-сонли “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
23. Власов. Д.Н. “Транспортно-пересадочные узлы”. Библиотека научных разработок и проектов НИУ МГСУ. Москва, 2017 г.
24. Добромыслов А.Н. Диагностика поврежденных зданий и инженерных сооружений. Москва, 2006г.
25. Иванов И.А. “Дороги мира. История и современность” Учеб-практ. Пособие. Москва-Вологда. 2017 г.
26. Исамухамдова Д.У., Адылова Л.А. «Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси». Дарслик. 1-2 қисм., Тошкент, 2009
27. Исамухаммедова Д.У., Исмоилов А.Т., Хотамов А.Т. Инженерлик ободонлаштириш ва транспорт. Дарслик. «АЛОҚАЧИ» нашриёти, Тошкент.: 2009. 230 б.
28. Исамухамдова Д.У., Мирзаев М.К. «Замонавий шаҳарсозлик назарияси». Ўқув қўлланма, Тошкент, 2015 й.
29. Косцов А.В., Бахирев И.А. и др. “Транспортная планировка городов”. Учебное пособие. Москва, 2017 г.
30. Низомов Ш.Р., Хотамов А.Т. Ландшафт конструкцияси. Тошкент. ТАҚИ, 2010, 55 б.
31. Низомов Ш.Р., Хотамов А.Т. «Бино ва иншоотларни техник баҳолаш». Дарслик. Олий ўқув юр்தларининг талабалари ва магистрантлар учун дарслик. –Тошкент., 2012. - 323 бет.
32. Рощина С.И., Лукин М.В. Техническая эксплуатация зданий и сооружений. КНОРУС. Учебное пособие. Москва. 2019 г.
33. ШНҚ 2.07.01-03*. «Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш» Тошкент.: Ўздавархитқурилиш қўмитаси, 2009. ТНМБ- Ибн-Сина.
34. ШНҚ 2.05.02-07. «Автомобиль йўллари». Тошкент.: Ўздавархитқурилиш қўмитаси, 2007. ТНМБ- Ибн-Сина.
35. ШНҚ 2.08.01-05 «Турар-жой бинолари» Т.: Ўздавархитекстрой, Т., 2005й.
36. ШНҚ 2.08.01–09* «Жамоат бинолари ва иншоотлари» Т.: Ўздавархитекстрой, Т., 2011г.

37. Шукуров И.С. Вертикальная планировка территорий. Основы автоматизированного проектирования (Учебное пособие). М.: Изд-во Ассоциация строительных вузов, 2012.
38. Шукуров И.С. и др. Управление городским хозяйством и модернизация жилищно-коммунальной инфраструктуры (Учебник). М.: Изд-во «Просветитель» 2012.
39. Шукуров И.С. Строительство уникальных объектов транспортной системы олимпийского Сочи Часть III. Инновационно-технологические решения при проектировании и строительстве тоннелей и мостов олимпийской трассы: теория, практика (учебно-практический комплекс). ООО «Издательская группа «Граница» М.: 2014.
40. Шукуров И.С. Проектирование и строительство транспортных сооружений Сочи Часть I (Учебное пособие). LAP LAMBERT Academic Publishing is a trademark of: Omni Scriptum GmbH & Co. KG, Берлин, 2014.
41. Шукуров И.С. Основы инженерно-технического обустройства городских территорий (Учебное пособие). М.: Издательство АСВ, 2015.
42. Шукуров И.С., Халилов И.Р. Курсовое и дипломное проектирование по градостроительству (Учебное пособие). М.: Издательство АСВ, 2015.
43. Шукуров И.С. Проектирование и строительство транспортных сооружений Сочи. Часть II (Учебное пособие). LAP LAMBERT Academic Publishing is a trademark of: mni Scriptum GmbH & Co. KG, Берлин, 2015.
44. Шукуров И.С. «Градостроительство. Планировка сельских населенных мест» (Учебное пособие). АСВ, 2016.
45. Шукуров И.С., Микири К.И. Инженерные сети (Учебник). МГСУ, 2016.
46. Шукуров И.С. и др. «Сервейинг: организация, экспертиза, управление». Практикум (учебник). Издательство «МИСИ-МГСУ», 2016.
47. Шукуров И.С., Микири К.И. «Городские инженерные сооружения» Учебное пособие. Эдитус, 2017.
48. Юнусов М.Ю., Кротов А.В., Хотамов А.Т. Инженерно-технические мероприятия гражданской защиты. Институт гражданской защиты МЧС РУз. Учебное пособие, 2000.
49. ҚМҚ 2.01.01-94. Лойихалаштириш учун иқлимий ва физикавий геологик маълумотлар. – Тошкент.: Ўздавархитқурилиш қўмитаси, 1994.
50. ҚМҚ 2.02.01-98. "Бино ва иншоотлар заминлари". -Тошкент.: Ўздавархитқурилиш қўмитаси, 1998.
51. ҚМҚ 2.01.16-97 Турар-жой биноларининг жисмоний эскиришини баҳолаш қоидалари. Т.:Ўздавархитекстрой, Т., 1997й.
52. Хотамов А.Т., Усмонов Қ.Т. “Шаҳар худудини комплекс ободонлаштириш”. Тошкент.: 2014. 160 б.
53. Хотамов А.Т., Шахидов А.Ф. “Шаҳар кўчалари, йўллари ва транспорт”. Дарслик. Тошкент.: 2018. 364 б.

